

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ
ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ****Махмудов Омон Тўхтаевич**Термиз давлат университети
кафедра катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш ва унинг назарий асослари, жумладан, турли иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари рейтинг баҳолашга билдирилган фикр ва мулоҳазалари ҳамда қарашлари таҳлили баён этилган.

Калит сўзлари: рейтинг, рейтинг агентликлари, тижорат банклари, банк рейтинги, Марказий банк, мижоз.

Аннотация: В статье описывается рейтинг коммерческих банков и его теоретические основы, включая анализ взглядов и мнений различных экономистов о рейтинге коммерческих банков.

Ключевые слова: рейтинг, рейтинговые агентства, коммерческие банки, банковский рейтинг, Центральный банк, клиент.

Annotation: The article describes the rating of commercial banks and ego theoretical foundations, including the analysis of views and the opinion of various economists about the rating of commercial banks.

Key words: rating, rating agency, commercial bank, bank rating, Central bank, client

Кириш. Замонавий банк тизими таҳлили мамлакатимизда тижорат банклари фаолияти рейтингини тузишда услубий қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада шаклланмаганлигидан далолат бермоқдаки, бу эса ундан республикамизда фойдаланиш ва миллий банк тизимига мослаштириш учун илғор хорижий тажрибаларни ўрганишни талаб қилади.

Мамлакатимиздаги тижорат банклари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш жараёнини кўриб чиқишдан олдин, биз “рейтинг”, “банк рейтинги” тушунчаларининг моҳиятини таҳлил қилган ҳолда, келтирилган таърифларни ўрганишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Илмий адабиётлар ва турли манбаларда “рейтинг” ва “банк рейтинги” тушунчаларига кўплаб фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Рейтинг¹ (ингл. rating) - муайян объект ва ҳодисанинг муҳимлиги ҳамда аҳамиятини ифодаловчи рақамли ёки тартибли кўрсаткичдир. Энг юқори рейтингга эга бўлган объектлар ёки ҳодисалар рўйхати одатда “Топ N” шаклида ифодаланиб, бу ерда N-рўйхатдаги объектлар сони, одатда 10 тадан кўп бўлади.

Рейтинг² (ингл. rating баҳо; ҳолат, даража) - компания, банкнинг аҳамияти, кўлами, аҳамиятини баҳолаш ҳамда компаниянинг кредитга лаёқатлилигини тавсифловчи кўрсаткич;

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/рейтинг>

² <http://www.вокабула.рф-Энциклопедии, словари, справочники - онлайн>

Рейтинг³ (ингл. rating) - объектларни ажратилган хусусиятларга кўра тақсимлаш. Масалан: Рейтинг- активлар ҳажми ёки барқарорлик даражаси бўйича энг йирик банклар; Рейтинг- ишончлилик кўрсаткичлари бўйича қимматли қоғозлар; Рейтинг- кредит лаёқати бўйича қарз олувчилар ва бошқалар.

Рейтинг⁴ - эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозларининг нисбий риск даражасини ягона изчил баҳолаш тизими доирасида тартиблани таъминловчи кўрсаткичдир.

Рейтинг⁵ (ингл. rating) - 1) тоифага ажратиш, тоифага ажратишни тавсифловчи кўрсаткич; 2) муайян қарз олувчининг нисбий кредит лаёқати ёки махсус агентлик томонидан белгиланадиган қимматли қоғозларнинг сифати ва ишончилиги кўрсаткичи. АҚШда у "учлик А" дан бошланади ва кейин пасаяди. Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва тўловлар бўйича энг юқори кўрсаткич "AAA", энг ёмонлари "С" тоифасига киради.

Таҳлил ва натижалар.

Замонавий маънода **рейтинг⁶** - бу фирма, банк, суғурта компанияси, фонд, мамлакат, минтақа, облигациялар чиқариш ва бошқа молиявий воситаларнинг рейтинг ўлчови деб аталадиган алоҳида тартибли ўлчов бўйича таваккалчиликларини комплекс баҳолашдир.

Рейтингнинг моҳиятини аниқлаш ушбу сўзнинг асл маъносини этимологик таҳлил қилишда юқорида луғатларда келтирилган таърифларни кўриб ўтдик. Умумий маънода рейтинг (инглиз тилидан - rating)- баҳо, даража, синф, тасниф маъноларини англатади. Бу "рейтинг"ни талқин қилишнинг умумий ҳолатидир. Унинг ўзига хос хусусияти унинг миқёси ҳисобланиб, рейтинг таърифини батафсил белгилашни талаб қилади. Таъриф икки жиҳатни ҳисобга олиши лозим, яъни биринчидан, рейтингни таҳлилий жараён деб, иккинчидан - рейтингни ушбу жараённинг аниқ натижаси сифатида тушуниш мумкин. Биринчи ҳолда, инглиз тилида "to rate" яъни мезонлар тўпламига кўра ўхшаш объектларни тавсифлашга, объектларни бир тоифага ёки бошқа гуруҳга ажратишга, таҳлил қилиш объектларини маълум бир кетма-кетликда ажратишга йўналтирилган ҳаракатлар тўпламини англатувчи махсус феълдан фойдаланилади. Бу амаллар тўплами тўғрисида "**рейтинг**" деб аталади. Таҳлилнинг натижаси - рейтингнинг яратилиши, моҳиятига кўра бу аниқ объектни ҳар қандай "сифати" билан тавсифловчи аниқланган даражаси ҳисобланади. Ушбу даражага қараб, объект тахмин қилинган "сифат" га кўра таснифланганда, ўхшаш объектлар орасида маълум бир ўринни эгаллайди.

Рейтинг иқтисодий тузилмаларининг аъъанавий "сифати" уларнинг ҳамкорлари учун турли мажбуриятларни бажаришлари эҳтимоли ҳисобланади. Рейтинглarning пайдо бўлиши объектив иқтисодий шарт-шароитлар, яъни капитал оқими жараёни, хўжалик юритувчи субъектларни қарз олувчи ҳамда кредитор сифатида таснифлаш, инвестиция жараёни, даромадли ва минимал таваккалчилик билан инвестиция қилиш истаги билан боғлиқдир. Маҳаллий адабиётларда рейтингнинг ягона назарий тушунчаси ҳали мавжуд эмаслиги, рейтингнинг характери ва амалий аҳамияти ҳақидаги саволлар мунозарали мавзулар туркумига киради. "Рейтинг" атамасининг ягона талқини йўқ. Бу тушунча кенг қўламда қўллангани учун тадқиқотчилар ўз нуқтаи назаридан муҳим жиҳатларни таъкидлайдилар, тушунчага турли маъноларни ифодалайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **банкларнинг рейтингини тузиш** ва аниқлашнинг асосий мақсади уларнинг ахборот шаффофлигини ошириш, банк тизими фаолиятини муваффақият омиллари бўйича жойлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Рейтингни қиёсий таҳлил воситаси сифатида тушуниш анча кенг тарқалган. Қуйида бир неча ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

³ <http://economics.niv.ru/doc/dictionary/financial-credit/fc/slovar-208-2.htm#zag-1514>

⁴ Шаркова А. В., Килячков А. А., Словарь финансово-экономических терминов. Москва: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К°" 2015 г -513с

⁵ Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание второе, Москва. Книжный мир 2006 г 890. с-626

⁶ Карминский А. М., Полозов А. А., Ермаков С. Энциклопедия рейтингов: экономика, общество, спорт. М.: Издательский дом «Экономическая газета», 2011.

1. "Банк рейтинги - унинг молиявий барқарорлигини умумлаштирилган баҳолашдир".⁷
2. "Банкнинг рейтингини белгилаш жараёни-бу банкнинг бошқа кредит муассасалари орасида чекланган миқдордаги кўрсаткичлар бўйича ўрнини аниқлашнинг эксперт усулидир"⁸.

3. "Банк рейтинги-бу муайян баҳолаш кўрсаткичидир, яъни банкларни фаолият уларни бир-бирдан фарқлаш имконини беради".⁹

4. "Рейтинг-таҳлил қилинаётган банкнинг кўрсаткичлар шкаласи бўйича тутган ўрнини баҳолаш ҳисобланади. Молия бозори иштирокчиларининг муайян санадаги ҳолатини белгилаш ва бошқа иштирокчилар орасида ўз ўрнини аниқлаш имконини беради."¹⁰

Келтирилган таърифларда муаллифлар рейтингнинг олдиндан белгиланган иқтисодий меъёрларга амал қилиш функциясидир, улар тўғридан - тўғри рейтинг орқали амалга оширилади-банкларни бир-бири билан таққослаш ғоясини илгари сурадилар. Бироқ, таърифлар таққослаш объекти сифатида хизмат қилувчи банкларнинг "сифати"ни аниқламайди. Ушбу ёндашувлар билан рейтингнинг асосий мақсади - банкларнинг ўзига хос рискларни ҳисобга олган ҳолда таққослашни умумлаштирамайди.

Бошқа нуқтаи назарга кўра, рейтинг бир жараён сифатида талқин этилади ва унинг қийёсий функцияси таъкидланади.

1. "Рейтинг - бу тижорат банкларининг молиявий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва таққослаш имконини берадиган таҳлил вариантыдир"¹¹

2. "Банклар рейтинги-молиявий кўрсаткичлар ва банк баланси маълумотлари асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизими. Банкнинг рейтингини бутунлигича таҳлил қилинган барча соҳаларда мустақил рейтингни келтириб чиқаришдан иборат"¹²

3. "Банкларнинг рейтингини-бир банкнинг бошқа банкларга нисбатан фаолиятини баҳолашнинг бир усулидир"¹³

4. "Банк рейтинги - банклар фаолиятини тизимли баҳолаш бўлиб, бунда турли банкларнинг баланси ва молиявий кўрсаткичлари ўзаро таққослаш асосида аниқланади. Таққослаш мезонлари сифатида кўрсаткичлар ҳажми, банк ривожланишини белгиловчи омиллар, сифатли кўрсаткичлар ҳамда банкка бўлган ишончлилик даражаси олинади".¹⁴

5. "Рейтинг тизимлари асосида банклар барқарорлигига баҳо бериш тезкор тизимлардан бири бўлиб, назорат қилувчи органлар томонидан тижорат банклари фаолиятини баҳолашда ундан фойдаланиш келгусида ошиб боради".¹⁵

⁷ Поморина. М.А. Финансовое управление в коммерческом банке : Учебное пособие /. - М. : КНОРУС, 2013.- 376 с.-345 стр

⁸ Шеремет А.Д., Щербак Г.Н. Финансовый анализ в коммерческом банке. М.: Финансы и статистика, 2001. - С.23.

⁹ Кожевникова О.В. Совершенствование системы методического обеспечения рейтинговых оценок деятельности коммерческих банков. Автореф. дис. ... канд.экон.наук. - Ростов-на-Дону, 1999.

¹⁰ Пирожков С. М., Сазонов В.А. Рейтинги финансового рынка.// ЭКО. - 1994. - № 4. - С.76.

¹¹ В.В.Иванов. Надежность вашего банка. - М.: ФБК-ПРЕСС.1997. - С.43.


¹² Г.С.Панова. Анализ финансового состояния коммерческого банка. - М.: Финансы и статистика, 1997. - С.179.

¹³ И.Д.Мамонова. Российская банковская энциклопедия. Редколлегия: О.И. Лаврушина и др. - М.: ЭТА.1995. - С358

¹⁴ Карабаев Н. А. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. - Тошкент, 2018. -23 б

¹⁵ Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. - Тошкент, 2018. -29 б

Банк рейтингларининг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. (1-расм).



1-расм. Банк рейтингининг функциялари.

Банкларнинг рейтинглари мамлакатимизда уларга бўлган ишончни кучайтиради, бу эса банкларнинг ва умуман мамлакатнинг инвестицион жозибдорлигига таъсир қилади, фонд бозоридаги ликвидликни оширади, ахборот таъминотини яхшилади, кредит операциялари ҳажмини оширади. Халқаро агентликлар томонидан берилган рейтинглар махсус функцияларни бажаради. Халқаро рейтингни олган банклар чет эл банкларидан қисқа муддатли банклараро кредитларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Ижобий рейтинг натижаси банк ва унинг миждозлари учун хизматлар сифатини ошишига ва тарифлари арзонлашувига олиб келади.

Рейтинг орқали кредит муассасалари орасида ўз ўрнига кўра банкларни саралашга ёрдам беради. Рейтингни ўтказишда асосий эътибор молиявий кўрсаткич ва бошқарув сифатини таҳлил қилишга қаратилади. 2-жадвалда тижорат банклари рейтинг маълумотларидан фойдаланувчилар гуруҳлари келтириб ўтилган бўлиб, банкларнинг яхши рейтингга эга бўлишидан манфаатдор томонлар ва уларнинг мақсадлари ўз аксини топган.

2-жадвал

Тижорат банкларининг рейтинг маълумотларидан фойдаланувчилар¹⁶

№	Манфаатдор томонлар	Рейтингдан кутилаётган манфаат
1.	Акционерлар	Инвестиция қилинган капиталнинг етарли даражада даромадлигига, банкнинг бозор қийматини оширишга қизиқиш.
2.	Банк ходимлари	Ушбу банк муассасасида доимий ишлашга, юқори иш ҳақи олишда, иш берувчилардан ижтимоий кафолатларни амалга оширишга қизиқиш.
3.	Марказий банк	Банк тизимининг ишончлилигини таъминлаш, миждозлар ва инвесторлар манфаатларини ички ва ташқи ҳимоя қилиш.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

4.	Мижозлар	Банк улар олдидаги мажбуриятларини бажаришига ишонч
5.	Аудиторлик фирмалари ва рейтинг агентликлари	Фуқаролар ва инвесторлар манфаатларига риоя қилиш, эълон қилинган ҳисоботнинг ишончилиги.
6.	Солиқ органлари	Солиқ тушумларининг бюджетга барқарор тушиши
7.	Бошқа тижорат банклари, нобанк кредит муассасалари, лизинг компаниялари ва бошқа молия институтлари	Қўшма лойиҳаларнинг рентабеллиги, мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш
8	Давлат	Мамлакатда самарали молия-кредит тизими фаолият юритиши, мамлакат имиджини кўтарилиши

Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда банклар рейтинги, биринчи навбатда, банкнинг инвестицион жозибдорлигини намойиш этиш воситаси бўлиб, менежерларнинг молиявий бизнес каби мураккаб соҳада профессионал ва фойдали ишлаш компетентлигини билдиради. Рейтинг баҳолаш усули банкларнинг асосан капитал етарлилиги, активлар сифати, ликвидлиги, рентабеллиги, бошқариш ва бозор рискига сезгирлигини таҳлил қилиш каби муҳим кўрсаткичларни қамраб олади. Бу хусусиятларнинг ҳар бири учун молия муассасасининг фаолият даражасига мос рейтинг баллари белгиланиб, ушбу баллар миқдоран аниқланади.

Хулоса.

Тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Сабаби банклар ўз миждозларига хизмат кўрсатишда рақобат шароитида доимий фаолиятининг индикаторларини таҳлил этиб бориши, миждозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини доимий мониторинг қилиши, шунингдек, мавжуд кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда оператив чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание второе, Москва. Книжный мир 2006 г 890. с-626
2. Поморина М.А. Финансовое управление в коммерческом банке : Учебное пособие /. - М. : КНОРУС, 2013.- 376 с.-345 стр
3. Шеремет А.Д., Щербакова Г.Н. Финансовый анализ в коммерческом банке. М.: Финансы и статистика, 2001. - С.23.
4. Карабаев Н. А. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. –23 б
5. Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. –29 б
6. Шаркова А. В., Киячков А. А., Словарь финансово- экономических терминов. Москва: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К°" 2015 г -513 с.
7. www.thebanker.com